

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

ISSN 2181-2788
Oriental Journal of History, Politics and Law
2022 VOL. 2 Iss. 18.05.04(ojhpl)
Google CiteScore

ETHNIC DIALOGUE OF THE AFGHAN PEOPLE IS A WAY TO ACHIEVE STABILITY

A. Achilov

Master's student

*Tashkent University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: ethnogenesis, Emirate of Afghanistan, Pashtunocentrism, Islamic Emirate of Afghanistan, Pashtuns, Tajiks, Uzbeks.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: The relevance of this topic is determined by the state of the modern system of international relations, economic globalization and the growing interdependence of the world as a whole, and the fact that the situation at any point in it affects the entire globe. Human development is greatly influenced by the situation in the least developed countries of the world, that is, it is impossible to predict the consequences of the instability of the military-political situation in them. Afghanistan, which is currently experiencing the longest armed conflict, is a clear example of this. The civil war led to the disintegration of the Afghan people. One of the important indicators of these processes is the lack of a strong central government and the continuing ethnic division of the country. The fact that the Civil War has been going on for more than 30 years indicates that tensions within ethnic relations are increasing and deepening. The national issue is one of the most difficult problems in the socio-political life of the country. Although the roots of this crisis go back to the long history of Afghan statehood, it was not long before it manifested itself in exactly this way. The study of the ethnic and national composition of the civil war in Afghanistan will help to find the dynamics of its development and its solution. Ethno-political processes have a direct impact on the development of any profession. In this case, an analysis of the ethnic situation of the

АФГОН ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК МУЛОҚОТИ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ УСУЛАРИ

A. Ачилов

Магистратура талабаси

*Тошкент шарқшунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар:	этногенез, пуштуноцентризм, Афғонистон Амирлиги, пуштунлар, тоҷиклар, ўзбеклар.	Аннотация:	Ушбу мавзунинг долзарблиги замонавий халқаро муносабатлар тизимининг ҳолати, иқтисодий глобаллашув ва умуман дунёнинг тобора ортиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ва унинг исталган нуқтасидаги вазият бутун ер шарига таъсир ўтказиши билан белгиланади. Инсоният тараққиётiga дунёнинг кам ривожланган мамлакатларидаги ҳолат катта таъсир кўрсатмоқда, яъни улардаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг бекарорлиги қандай оқибатларга олиб келишини олдин айтиб бўлмайди. Бугунги кунда энг узун қуролли тўқнашувларни бошидан кечираётган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади. Фуқаролар уруши афғон халқининг парчаланишига олиб келди. Ушбу жараёнларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири – кучли марказий ҳокимиётнинг йўқлиги ва мамлакатнинг этник жиҳатдан бўлинишининг давом этаётганлигидир. Фуқаролар урушининг 30 йилдан ошироқро вақт мобайнида давом этаётганлиги этник муносабатлар доирасидаги кескинликнинг ортаётганлиги ва чуқурлашиб бораётганидан далолат беради. Миллий масала мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги асосий ечими қийин муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу инқироз илдизлари афғон давлатчилиги узоқ тарихига бори тақалса-да, айнан ушбу кўринишда ўзини намоён қилганига қўп бўлмади. Афғонистондаги фуқаролар урушининг этник ва миллий таркибини ўрганиш, унинг ривожланиш динамикаси ва ечимини топишга ёрдам беради. Ҳар қандай малакатнинг ривожланишига этносиёсий жараёнлар бевосита катта таъсир кўрсатади. Ушбу холатда афғон давлатининг охирги 250 йил мобайнидаги
----------------------	---	-------------------	--

этник вазиятини таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

ЭТНИЧЕСКИЙ ДИАЛОГ АФГАНСКОГО НАРОДА – ПУТЬ К СТАБИЛЬНОСТИ

A. Ачилов

Магистрант

Ташкентский университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: этногенез, пуштуноцентризм, Исламский Эмирят Афганистан, пуштуны, таджики, узбеки.

Аннотация: Актуальность данной темы определяется состоянием современной системы международных отношений, экономической глобализацией и растущей взаимозависимостью мира в целом, а также тем, что ситуация в любой точке его затрагивает весь земной шар. На развитие человечества большое влияние оказывает ситуация в наименее развитых странах мира, то есть невозможно предсказать последствия нестабильности военно-политической обстановки в них. Ярким примером этого является Афганистан, который в настоящее время переживает самый продолжительный вооруженный конфликт. Гражданская война привела к распаду афганского народа. Одним из важных индикаторов этих процессов является отсутствие сильной центральной власти и сохраняющееся этническое разделение страны. Тот факт, что Гражданская война продолжается уже более 30 лет, свидетельствует об усилении и углублении напряженности в межэтнических отношениях. Национальный вопрос является одной из самых сложных проблем в общественно-политической жизни страны. Хотя корни этого кризиса уходят в долгую историю афганской государственности, совсем недавно он проявился именно так. Изучение этнического и национального состава гражданской войны в Афганистане поможет найти динамику ее развития и решения. Этнополитические процессы оказывают непосредственное влияние на развитие любой профессии. В данном случае решающее значение имеет анализ этнического положения афганского государства за последние 250 лет.

КИРИШ

Этногенез – халқларнинг келиб чиқиши. Этногенез (юонча етхнос – халқ ва генесис – туғилиши, келиб чиқиш; инглизча – этхногенесис; немисча - этхногеносе) – этноснинг келиб чиқишидир. Этногенез деб илгаридан мавжуд бўлган бир нечта этник компонентлар асосида янги этнос элатнинг вужудга келишига айтилади. Этногенез жараёнида этносни белгиловчи: худудий, тил ва этномаданий бирлик, ўзликни англаш бирлиги, этник ном (этноним), ижтимоий-иктисодий ва хўжалик, сиёсий уюшма бирлиги, дин умумийлиги, ва бошқа қатор этник аломатлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу этник аломатлар ва белгиларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос-халқ шаклланади. Ҳар бир халқнинг тарихи унинг этногенез ва этник тарихи билан узвий боғлиқдир

Этник бирлик – кишиларнинг маълум бир тарихий даврда ва ижтимоий тузумда таркиб топган алоҳида барқарор этник уюшмасидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Афғон кавмлари томонидан яратилган пуштуноцентризм шарқий минтақа қабилалари ва Қабул ҳокимияти кўмагида 1978 йилгача жамиятда сақланиб турди. Ҳокимиятга асосан пуштунларнинг жалб қилиниши ва бошқа миллат вакилларининг ҳокимиятдан узоқлаштирилиши, пуштунлар ва бошқа кам сонли этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига ва бу ўз навбатида сиёсий инқизозга олиб келиб, ушбу вазият Афғонистондаги барқарорликнинг, шунингдек марказий ҳокимиятнинг сусайишига, бунинг оқибатида давлат ҳокимияти ва ҳаттоқи давлат тузумини ўзгартириш масаласини кун тартибига кўтарилди. Буларнинг барчаси биргаликда Афғонистон атрофидаги давлатларда акс этувчи чуқур геосиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Афғонистондаги этносиёсий жараёнлар тадқиқоти этномиллий факторларнинг пайдо бўлиши ҳақида хulosа чивариш имконини беради.

Афғонистон Ислом Амиригини аҳолисининг этник таркиби:

Афғонистон Ислом Амиригини Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги элчиси, доктор Раван Фарҳади Афғонистоннинг этник таркиби ҳақида қўйидагича маълумот беради. Шунингдек, афғон жамиятининг инобатга олиш лозим.

халқлар	минглаб одамлар	халқлар	минглаб одамлар
Ерон Гурухи	14800	курдлар	10
паштунлар	7500	Ормурилар	5
тожиклар	4800	Парачилар	5
хазоралар	1500	Турки гуруҳлар	1920
Чар-аймоклар	500	Ўзбеклар	1300

Фирзукулилар	125	туркманлар	545
джамшиidlар	115	афшорлар	35
Таймонлар	110	киргизлар	15
Теймурилар	100	қозоқлар	5
Хазора-и-Калай-и-Hay	50	Нуристон Гурухлар	160
Хинд-орий гурухлар	190	Нуристон	60
Пашалар	110	Брагуи	45
Панжобликлар	30	Араблар	35
лўлилар	20	Муғилар	20
Хинд-тирайлар	20	бошқа номаълум	47
Джатилар		каракалпаклар	3
балучилар	110	Уйғурлар ва гуджарлар	2
форсоар	40	яхудилар	

АИА аҳолисининг этно-конфессионал таркиби (Р.Фарходи маълумотлари бўйича):

Аҳолининг миллий таркиби
пуштунлар --тахминан 42 %
тожиклар -- тахминан. 25 %
узбеклар -- тахминан. 9 %
хазоралар -- тахминан.8 %
аймоклар -- тахминан. 1 %
туркманлар -- тахминан. 2 %
балучилар -- тахминан. 2 %
в бошқал -- тахминанок. 4 %

Ўзи қийин бўлган афғон этник (шу билан бирга сиёсий) вазиятинини қийинлаштирувчи яна бир қўшимча фактор бу- Афғонистон худудида истиқомат килаётган деярли барча йирик миллатларнинг бўлингандигидир.



АИА аҳолисининг этно-конфессионал таркиби (Р.Фарходи маълумотлари бўйича):

Афғонистонда кўпчиликни ташкил этувчи миллат вакилларидан бири ҳисобланган тоҷиклар бунинг яққол мисоли бўла олади (Р.Фарходи www.nationalsecurity.ru/maps/afghanistanethno.htm).

1992 йил охири – 1993 йил бошларида Миллий фронт отрядлари томонидан Афғонистоннинг шимолий худудларига сиқиб чиқарилганини қарамасдан, тоҷик мухолифат кучлари ва уларнинг оиласини ушбу худуддаги қардош тоҷик ҳамда бошқа ҳалқлар кутиб олди.

Қардош нафақат кенг этник маънода, балки оддий инсонийлик нуқтаи назаридан, чунки жанубий тоҷикларнинг кўпчилиги Шимолий Афғонистондаги тоҷиклар билан кариндошлиқ ришталари билан боғланган. Афғонистонда Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон автоном вилояти аҳолиси- помир ҳалқи: Панж (дарё юқори оқимининг номи Гунт) дарёсининг ҳар иккала қирғоғида қадимдан яшовчи рушонлар, шугнанлар, ишқашимлар ва бошқалар билан ҳам худди шундай қариндошлиқ ришталари мавжуд эди. Бундан ташқари, Тожикистон жануби ва Афғонистон шимоли аҳолиси ва туркийзабон ҳалқларнинг ҳам яқин кариндошлиқ алоқалари мавжуд эди. Иккала ҳудудда ҳам ўзбеклар, туркманлар, араблар ва бошқа бир қатор миллатлар истиқомат қилишарди. Бу ерда нафақат қабилавий бирлик, балки Амударёнинг ҳар иккала қирғоғида яшовчи ўзбек қабилалари – каттаганлар, қўнғирот, қарлуқ, кенегес ва бошқаларнинг оиласи үруғчилик ва қариндошлиқка асосланган бирлиги мавжуд эди(Коргун В.Г. История Афганистана XX века. М.: 2004г).

Мамлакат ривожи динамикаси ва ҳолатини, шу жумладан сиёсий жараёнларни тушунишга ёрдам берувчи яна бир муҳим факторлардан бири сифатида этнохудудий факторни келтириш ўтиш мумкин. Пуштунлар Ҳиндикушдан жанубга қараб жойлашишган. Шу билан бирга, ушбу худудларда улар тўлиқ майдонни эмас, балки айrim худудларда (аниқроғи рельеф климатик ҳудудларда) тожиклар, ҳазорийлар, белуж ва барагвай ҳалқлари билан бирга истиқомат килишади. Мамлакат жанубий қисмида пуштунларнинг катта қисми (белуж ва барагвайларга мансуб) кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечиришади. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўрнаша бошлаган Ҳиндикушдан шимолда пуштунлар сони унчалик кўпчиликни ташкил этмаса-да, улар мамлакат этносиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Бугунги ҳолатни тушунишга ёрдам берувчи этник соҳага оид яна бир муҳим ҳақиқат шундан иборатки, Афғонистонда “тожик” этноними доим ҳам аниқ эмас, яъни баъзида келиб чиқишига кўра бошқа миллатга мансуб бўлган гуруҳлар, жумладан форсийда гапиравчи пуштунлар ҳам ўзларини шундай аташади. Бу айнан Батгиз, Фариаб, Тахор, Кундуз ва бошқа бир қатор провинцияларда истиқомат қилувчи “шимолий” пуштунлардир.

Туркманлар мамлакат шимоли-ғарбида, Туркманистон билан қўшни бўлган Бадгис, Фаръяб ва Жузжон провинцияларида истиқомат қилишади. Уларнинг катта қисми Балх, Саманганд, Баглан, Кундуз провинцияларида, қолган туркман гуруҳлари эса жануброқда – Филмон ва Қабул провинцияларида жойлашишган. Афғон туркманлари, асосан, эрсари ва али-эли қабилаларига мансуб бўлишига қарамасдан, мамлакатда унчалик кўпчиликни ташкил этмайдиган сариклар, салор ва текелар гуруҳлари ҳам мавжуд. Теке уруғига Ҳирот ва Бадгис туркманлари, салар ва сарикларга – Фаръяб туркманлари, эрсари уруғига – Жузжон туркманлари, қолган қисми эса асосан али-эли ва бошқаларига мансуб ҳисобланишади.

Афғонистон аҳолисининг учинчи йирик гуруҳи – ўзбеклардир. 1986 йил В.Бушков маълумотларига кўра, уларнинг сони 1.5 миллион кишини ёки мамлакат аҳолисининг 9 фоизини ташкил этади (ҳозирги кунда тахминан 3 миллиондан ортиқ). Ўзбеклар постсовет Ўрта Осиё билан чегарадош провинцияларда, аввалроқ мустақил ўзбек князликлари Маймана, Ахча, Балх ва Кундуз бўлган тарихий номи Чор-Вилоят (тўрт вилоят) худудида анча зич ҳолда истиқомат қиласди. Ушбу тўрт вилоят худудий жиҳатдан ҳозирги провинциялар Фариаб (провинция маъмурий маркази – Маймана шаҳри), Жузжон (марказ – Шибирғон шаҳри), Балх (марказ – Мозори Шариф) ва Кундуз (Кундуз)дир. Чегарага туташ провинция Тахор (Дашти Қалъа, Янги-Қалъа, Ходжагар, Чохи-Оби ва бошқ.)да ҳам

кўп сонли ўзбеклар истиқомат килади(Материалы общепартийной конференции по национальному примирению. 18-20 октября 1987 г. Кабул).

Тўртинчи йирик этник гурӯҳ – келиб чиқиши мўғул-ирон халқларига мансуб ҳазорийлар бўлиб, 8-10 фоизни ташкил этади. Уларнинг асосий қисми Афғонистон марказий қисмида, тоғли Хазараджатда истиқомат қилишади("Темирханов, Лутфи. Хазарейцы. Очерки новой и новейшей истории: учебное пособие по спецкурсу.).

Мамлакатдаги сиёсий-иктисодий ҳолат шубҳасиз ижтимоий муносабатларга боғлиқдир. Афғонлар ҳақида тўла шаклланган монолит этнос сифатида гапириш қийин, Буюк Британияга қарши озодлик уруши давомида, жамиятнинг барча гурӯҳлари онгидан бир неча даражадан иборат ўз-ўзини англаш шаклланди. Миллий – пуштун, тожик, ҳазора ва бошқ. Конфессионал – суннийлар, шиалар, исмаилийлар. Давлат – афғон. Ўзига хос жиҳати шундаки, этноконфессионал келиб чиқишидан катъий назар, барча афғонлар мамлакат бўлинниши ҳақидаги фикрларни қабул қилмайдилар. Улар учун Афғонистон – ягона ва бўлинмас давлат. Бундан англаш мумкинки, Афғонистон кавмлари ўз давлатчилигини сақлаб қолиш учун музокаралар столига ўтириши мақсади мувофиқдир. Лекин бунинг учун бугунги кунда мамлакатдаги асосий куч қўлида бўлган пуштуналарнинг имтиёзли қисми мамлакатдаги мавжуд этник-конфессионал муаммони тан олиши ва афғон жамиятининг ягона миллат сифатида ўзини-ўзи идентификация қилишини тан олиши керак. Шунингдек, Афғонистоннинг бошқа этник гурӯҳларини жамиятнинг бир қисми сифатида тан олиш ва инклузив ҳукумат яратиш, яъни Афғонистоннинг бошқа этник гурӯҳлари вакилларини ҳокимиятга олиб келишга эришиш лозим.

ХУЛОСА

Ушбу фактларни инобатга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, агар керакли шартшароит яратилса, Афғонистондаги ҳар бир этнос вакилларини музокаралар столига жалб этишга эриша оламиз, бунинг учун Афғонистон давлати сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларга ўта муҳтож:

- 1) Ҳатто Афғонистон Ислом Амирилиги Конунларида ҳам ҳар бир миллат алоҳида белгиланагани йўқ, бир бутун Афғон халқи сифатида ҳам эмас.
- 2) Мамлакат сиёсатида барча миллат ва элат вакиллари бир хилда иштирок этишлари лозим.
- 3) Мамлакат таълим, соғлиқни сақлаш ва диний-маънавий соҳалардаги ислоҳотларга ўта муҳтож.

4) Афғонистоннинг ҳар бир этноси учун замонавий теле ва радио каналлар ва газеталар жорий этилиши, шунингдек санъат ва кинематография ривожланиши маънавий инеграция учун муҳим рол касб эта олади.

5) Тошкент декларациясини имзолаган мамлакатлар томонидан гуманитар ёрдам ва ислоҳотлар тўла амалга ошиши учун кўмак берилиши

6) Ва энг муҳими Афғонистон халқига ҳар қандай ташқи сиёсий ва идеологик босимнинг йўқотилиши

Буларнинг барчаси Тошкент конференциясида сўз борган тинчлик музокараларига тайергарлик учун замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Р.Фарходи www.nationalsecurity.ru/maps/afghanistanethno.htm
2. Коргун В.Г. История Афганистана XX века. М.: 2004г.
3. Материалы общепартийной конференции по национальному примирению. 18-20 октября 1987 г. Кабул, 1987 г. - На языке дари. -219 с.
4. "Темирханов, Лутфи. Хазарейцы. Очерки новой и новейшей истории: учебное пособие по спецкурсу. – Душанбе: Издательство Таджикского Университета, 1978 г. - 96 с.
5. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
6. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
7. Madaminova, D. I. (2021). Uzbekistan as a leading initiator in central Asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1045-1049.
8. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.
9. САЙФУЛЛАЕВ, Д. Б. (2017). ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ИНДИИ И УЗБЕКИСТАНА В ИСТОРИЧЕСКОЙ ПЕРСПЕКТИВЕ. *Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность*, (1), 142-148.
10. Ravshanov, F. R., & Azimov, H. Y. (2021). Danger and Security: History and Present. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(4), 280-285.